O`zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2017 у.г. «15» июн № 1410-К Samarqand t.-р.Самарканд

**“ALVON QATLAM” масъулияти ченланган жамиятига узлуксиз керамик плиткалар ишлаб чиқариш мақсадида қурилиш хомашёлари жамлаш омборхонаси ташкил этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг хулосаси ҳамда **“ALVON QATLAM”** масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН**

1. Туман ҳокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг баённомаси хамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. **“ALVON QATLAM”** масъулияти чекланган жамиятига узлуксиз керамик плиткалар ишлаб чиқариш мақсадида қурилиш хомашёлари жамлаш омборхонаси ташкил этиш учун жами 2,0 га (шундан: 2,0 га туман захирасидаги МЧ “Мароқанд-Агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 910 контуридаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратиб берилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2018 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ш.Аслиев) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Б.Олимов)га топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

**Туман хокими** **Б. Кадиров**